



Мутолаа қилинг / Карантин қоидаларига риоя этинг!



# Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2020 йил 8 октябрь • пайшанба • № 112-113 (4398)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь кuni Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Россия етакчисини таваллуд кuni билан самимий муборакбод этиб, унга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, дўст Россия халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ тилади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон – Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустақкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди, халқаро ва минтақавий кун тартиби юзасидан фикр алмашилди.

Жорий йил июль ойида Москва шаҳридаги учрашув чоғида эришилган келишувларга мувофиқ бўлажак олий даражадаги мулоқотларга тайёргарлик кўриш бўйича биргаликдаги фаол ишларни давом

этиришга алоҳида эътибор қаратилди. Пандемия оқибатларига қарамай, ўзаро ташрифлар амалга оширилаётгани, Ўзбекистон билан Россиянинг етакчи компания ва корхоналари ўртасидаги инвестициявий ҳамкорлик кўлами ва товар айирбошлаш ҳажми кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Таълим ва маданий алмашинувга доир муҳим дастурлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Президенти коронавирусга қарши курашишда кўрсатилган амалий ёрдам, жумладан, Россиядан врач ва мутахассисларнинг катта гуруҳи юртимизга жўнатилгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Давлат раҳбарлари икки мамлакат вазирилик

ва идоралари даражасида, шу жумладан, жорий ойда бўлиб ўтадиган Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлиси доирасида яқиндан мувофиқлашув ва ҳамкорликни давом эттириш муҳимлигини таъкидладилар. Бунда, аввало, кўп қиррали муносабатларнинг устувор дастур ва лойиҳаларини, бизнес ва худудлар кооперациясини кучайтириш бўйича узоқ муддатли «йўл харитаси» тайёрлашни жадаллаштириш назарда тутилди.

Давлат раҳбарлари, шунингдек, минтақада юзага келаётган вазиятни муҳокама қилдилар, бўлажак тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

Сўхбат ҳар доимгидек самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА

## ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь кuni Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат чоғида икки мамлакат ҳамкорлигининг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Минтақадаги вазият юзасидан фикр алмашилди, бўлажак олий даражадаги уч-

рашувлар режаси кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали муносабатларни

мустақкамлаш, Марказий Осиёда барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш борасида қатъий эканликларини таъкидладилар.

ЎзА

## ВАТАН ВА МИЛЛАТ ҚАЙҒУСИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан кейинги ўйлар...



...Тарихни худди сиз-у бизга ўхшашган оддий одамлар қурган, ўзгартирган. Бундай шахслар одатда қатъиятли, фидойи, миллат ва юрт ори, бахт-у саодати учун керак бўлса, ширин жонидан кеча оладиган мард ўғлонлар бўлгани равшанлашади тарих китобларини varaқлаганингизда. Бугунги сиртавиш ва долғали кунларимизда ҳаётимизга ўша олис ўтмишдаги буюк уйғониш насимлари эсмоқда, миллатнинг мард бир фарзанди муборак байроғимизни кўтариб, дунё саҳнасига чиқмоқда дейилса, мен бунга ишонаман. Zero, ҳар бир қаричи бир азиз авлиё, бир улуг аллома, ёки бўлмаса Тўмарис-у Широқдай бир ёвқур ватанпарварларнинг хоки покни бағрига босган шу муътабар замин ва улуг миллатимиз минг бора бунга ҳақлидир!

2-3



Вазирлар Маҳкамасининг «Коронавирус пандемияси туфайли юзага келган иқтисодий вазиятда туризм соҳаси субъектларини қўллаб-қувватлаш ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистонда қайта тикландиган энергия манбалари (ҚТЭМ) асосида электр энергиясини генерация қилиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) шартларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида аукцион савдолари регламенти тасдиқланди.



Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгесида Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Николай Дорошенко билан учрашув бўлиб ўтди.

Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Жамшид Абдусаломов Татаристон Республикасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Айдар Ахтарев бошчилигидаги делегация билан учрашди.



Инновацион ривожланиш вазирилик ҳузуридаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази «Technoways» технологик ривожланиш мароғимининг ёпилиш маросимини ўтказди.

Навоий вилояти ҳокими Кобул Турсунов Навбахор туманидаги 4 ва 7-умумтаълим мактабларига бориб, дарс жараёнларида иштирок этди.



Ўзбекистон Езувчилар уюшмасида ташкилотнинг янги рамзи тақдимоти ўтказилди.

«Ўзбекино» миллий агентлиги буортмасига биноан суратга олинган «Сузуқ ота» ва «Шашмақом» ҳужжатли фильмлари Туркияда ўтказилган V ҳужжатли фильмлар фестивалида иштирок этди.



«Ўзбекино» Миллий агентлигида Япониянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Суда Ацуши ҳамда элчихона масъул ходими Ямада Кендо билан учрашув бўлиб ўтди.

ЎзА хабарлари асосида тайёрланди

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

7 октябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари кўп асрлик дўстлик ва яхши кўшничлик ришталари, ишонч ва стратегик шериклик тамойилларига асосланган икки томонлама муносабатларнинг ҳолати ва уларни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Коронавирус тарқалиши оқибатларини тез фурсатда енгиб ўтиш мақсадида Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлари да-

ражасида яқиндан мувофиқлашув ва фаол алмашинувлар амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш кўрсаткичларини оширишга қаратилган қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суриш, тадбиркорлар ва худудларнинг янги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали кооперацияни кенгайтириш, шунингдек, маданий-гу-

манитар тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақадаги воқеалар ривожини юзасидан ҳам фикр алмашилди. Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари Қирғизистондаги вазият ушбу мамлакат Конституцияси ва миллий қонунчилиги нормаларига мувофиқ тез фурсатда барқарорлашишига умид билдирдилар.

ЎзА

Ажаб савдолар

## МЕТРО ОСТОНА СИДА қулайликми?.. кулайликми?.. куяйликми?..

Тошкент метрополитени фойдаланувчиларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида йўлқира ҳақини тўлашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этибди. Энди пластмасса жетон ўрнига бир марталик чипта берилди. Чиптадаги QR кодни турникет сканерига кўрсатиб ўтаверасиз. Ҳозирда асосий метро бекатлари ушбу қурилмалар билан жиҳозланмоқда. «Зўр-ку!» дейсизми?

Хурсанд бўлишга шошилманг. Чунки чипта бир кишига бир донадан берилди ва бошқа бекатларга «ўтмайди». Демакки, сиз аввалгидек, бир нечта жетон харид қилиб, тугагунча бемалол юролмайсиз. Аксинча, ҳар сафар метрога киришда кассадан чипта харид қилишга мажбурсиз. Устига-устак, чипта сотиб олинган, 30 дақиқадан сўнг «куяди».

Табиийки, эрталаб ва кечқурун йўловчилар оқими кўпаяди. Бу эса ижтимоий масофа муҳим аҳамият касб этаётган бир пайтда ҳар кuni камиди икки маҳал касса олдида турнақатор навбатда туриш дегани.

Энди дўппини бошдан олиб, арзимасдек туялган бу муаммо кўламини оддий амалларда ҳисоблаб кўрайлик: Агар ҳафтада олти кун ишлайдиган киши чипта учун навбатда туришга кунига 10 дақиқа вақт сарфласа, бунга бир ойда тўрт соат, бир йилда эса 48 соат вақт керак. Бу рақамни ҳар кuni жамоат транспортдан фойдаланадиган минг нафар одамга кўпайтирадиган бўлсақ, бу 48 минг соат ёки 2000 суткага тенг бўлади. Яъни бир йилда минг нафар йўловчи иш кuni ҳисобидан қарийб 5,5 йил навбатда туришга тўғри келади. Ачинарлиси, шунча вақт бирор фойдали ишга эмас, оддий асаббузар навбатлар сабабли ҳавога учади, холос.

«Янгилик»ни амалиётга жорий этганларга саволимиз бундай: аслида инновациялар инсонлар ҳаётини мураккаблаштириши ўрнига осонлаштириши керак эмасми? Ё бу ўринда адашдикми?

Аъзам АБУЛҒАЙЗОВ,  
«ISHONCH»

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган  
**12-11** қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га  
мамлакатимизнинг турли худудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН  
**1092** – қисқа рақамли «Ишонч телефони» – «Call-center»га  
меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллаганингиз мумкин.  
Юридик клиника 14 та худудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда касаба уюшмаси аъзоси бўлишдан қатъи назар, барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади.  
Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерациянинг доимий эътиборида!  
«Ўзбекино» Миллий агентлигида Япониянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Суда Ацуши ҳамда элчихона масъул ходими Ямада Кендо билан учрашув бўлиб ўтди.  
ЎзА хабарлари асосида тайёрланди



Наполеон Бонапартнинг бир гапи мени кўп мулоҳазаларга чорлагани билан ёдимда муҳрлини қолган. У тахминан шундай эди: дунёда икки куч бор – қилич ва ақл-идрок. Улар доим маҳорабада, бироқ мени ҳайратга соладигани шукки, охир-оқибат мудом ақл қилич устидан ғолиб келади. Бундай ҳулосага келган одам умри қилич кўтариб жанг-у жадалларда ўтган, музаффарият ва шон-шараф байроғига бурканган машҳур саркарда эканини ҳисобга олсак, ўша ҳикматомуз гапнинг маъзи тўқ, чуқур ҳаётий маънога эга экани янада ойдинлашади. Дарвоқе, қилич қанчалик кучли бўлмасин, яратувчилик қудратига эга эмас, вайронкорлик ва талафотдан бўлак берадиган нарсаси ҳам йўқ...

Бонапартнинг гапига басма-бас келадиган яна бир фикр бор. Инсоният тарихи урушлар тарихидир, дейишади муаррихлар. Ўтмишга тийран назар солсангиз, бу гап бекор айтилмаганига гувоҳ бўласиз. Бироқ дунёда бир куч борки, фақат у инсоният ҳаётини роҳат ва фароғат, тинчлик-хотиржамлик, юксалиш ҳамда тараққиётга ундаб келган. Уруш ва қирғинбаротлар кулфатлари-ю култепаларини боғ-у бўстонга айлантирган, ер юзида ҳаёт чирогини қайта нурлантирган. Бу – илм-маърифат зиёсидир! Лекин тарих чархпалаги бардавомлигини таъмин этувчи ким, унинг қуриб-қақшаб қолаётган тегиригига сув куйиб, унга илҳом ва шавқ бераётган куч қандай куч? Эҳтимол, айнан мана шу ҳаёлий саҳна Наполеонни ҳайратга солгандир?..

Ҳа, илм-маърифат ва жаҳолат дунё бунёд бўлибдики, ёнма-ён юради. Бири бузади, иккинчиси ҳаёт эликсирини каби жонларга қувват ва шавқ олиб киради, дунёни, инсоният ҳаётини гулларга буркайди... Тарихдаги бундай ўзгариш-у юксалишлар, тараққиётлар ва ниҳоят, тамаддунолар хронологиясини ўргансангиз, улар бошида жўмард ўз ҳаётини ўша эзгу мақсадларга бахшида этган фидойи шахслар турганига гувоҳ бўласиз. Бундай одамлар бутун фаолиятини, умрини, ва ҳатто ширин жонини шу маслак билан боғлайдилар, ўзларига буни шараф деб билдилар. Лекин ҳаёт шундайки, доим ҳам кўл узатган, кўзланган марррани осонликча олиб бўлмайдди. Бунинг машаққатлари, синовлари кўп.

Шу маънода бугун биз яшаётган кунларимиз, таҳликали ва нотинч асримиз ҳам қайсидир маънода илм-маърифатга, зиёга эҳтиёж сезаётгандек. Зотан, тараққиётнинг чўққисига чиқдик, дейишга айна дамларда ҳам ер юзининг баъзи жойларида уруш олови кўзга кўринади. Ирқчилик, миллатчилик, диний радикализм балолари бот-бот саҳнага чиқди. Албатта, бундай таҳликали замонда тўғри йўлни топиш, мамлакат ва халқ фаровонлигини ўйлаб, ҳузур-ҳаловатдан кечиш, инсонга муносиб ҳаёт барпо этиш ва бу йўлда одамларни ўз ордидан эргаштира олиш кишидан катта масъулият, билим ва фидойилик талаб этади. Зотан, замоннинг бунёдкори – инсоннинг ўзидир.

Бу ўринда бир вақтлар «Биз замоннинг наинки жону дили, балки байроғидирмиз» деган Мавлоно Румий мутлақ ҳақ эди. Қарангки, буюк бобомиз қарийб минг йил олдин айтиб кетган гап ҳамон ўз долзарблигини йўқотган эмас. Мавлононинг ушбу сўздан англашилган диний ҳикмат битта – замоннинг жонига айланши, элнинг қорига яраш, жонфидолик ва бу йўлда байроқдай собит бўлиш. Юқорида қисқагина тўхталганимиздек, инсоният тарихидан ҳабардор киши одамзод бугунги кунларга ўз ўтмиши давомида кечирган минглаб қийинчиликлар, урушлар, очарчиликлар, қақшатқич ўлатлар гирдобидан омон чиқиб келганини яхши англайди ҳамда бундан ҳайратланади. Агар ўша солномаларни жиддий ўргансангиз, машҳур офатлардан омон қолиш йўлида жонфидолик қилган қаҳрамонларнинг сурати-ю сийрати тафаккурингизда балқиб чиқади...

Бугун мамлакатимиз ва халқимиз кечираётган оғир ва синовли кунлар ҳақида гапириб ўтириш, менимча, ортқича. Чунки бундан бундан ҳайратланади. Агар ўша солномаларни жиддий ўргансангиз, машҳур офатлардан омон қолиш йўлида жонфидолик қилган қаҳрамонларнинг сурати-ю сийрати тафаккурингизда балқиб чиқади... Бугун мамлакатимиз ва халқимиз кечираётган оғир ва синовли кунлар ҳақида гапириб ўтириш, менимча, ортқича. Чунки бундан бундан ҳайратланади. Агар ўша солномаларни жиддий ўргансангиз, машҳур офатлардан омон қолиш йўлида жонфидолик қилган қаҳрамонларнинг сурати-ю сийрати тафаккурингизда балқиб чиқади...

Бугун мамлакатимиз ва халқимиз кечираётган оғир ва синовли кунлар ҳақида гапириб ўтириш, менимча, ортқича. Чунки бундан бундан ҳайратланади. Агар ўша солномаларни жиддий ўргансангиз, машҳур офатлардан омон қолиш йўлида жонфидолик қилган қаҳрамонларнинг сурати-ю сийрати тафаккурингизда балқиб чиқади...

Президентимизнинг 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқини тинглаб, ҳаёлимдан беихтиёр шу йилар кечди. Қалтис замон, мураккаб шароитлар, оғир синовлар ва уларга басма-бас буқилмас бир ирода, эртанги кунга комил ишонч, байроқдай мўътабар ва собит бир эътиқод...

Бугунги оғир кунларда бундайн улуғ мақ-

садларни кўзлаш, эртанги порлоқ кунлар ҳақида гапириш баъзи одамлар ҳаёлида ноқерақдай

Ишонаманки, ўз тарихида не-не буюк ишларни шараф билан амалга оширган халқимизнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти, куч-қудрати ва олижаноб фазилатларига таяниб, ўз олдимизга қўйган улуғ ва эзгу мақсадларимизга албатта эришамиз.»

Шавкат Мирзиёев бугунгача давлат раҳбари, Президент сифатида ўнлаб маърузалар қилди. Бироқ бу гапни нутқ моҳият-эйтибори билан илгариларидан кескин фарқ қилади. Гап шундаки, айнан мана шу нутқда Янги Ўзбекистоннинг миллий мафқурасига тамал тоши қўйилди десам, хато қилмаган бўламан. Зотан, янги давлатчилигимизда биз миллий жамият ва давлат барпо этиш, мамлакат устунларини миллий идентитет – соф ўзлик платформалари устига қуриш ва бир давлат ўлароқ миллий ва руҳоний орнаментларимизни очик-ошкор унинг асоси этиб белгилашга ҳеч қачон бундай яқин келган эмасмиз. Мен бу ўринда МИЛЛИЙ МАФҚУРА сўзини алоҳида бўрттириб ёзишни истар эдим. Негаки, бугунгача биз амал қилган мафқуралар, «Миллий ғоялар» қайсидир маънода умуминсоний деб бўрттирилган ва байналмилал чимматга ўралгани учун ҳам соф эмас ва эҳтимол, шунинг учун ҳам сиёсий «дахлиз»ларда бор-у, жамиятда маргинал эди. Миллийлик феноменидан кўрқув, халққа ўзлигини танитишдан тайсаллаш ва керагидан ортқ эҳтиёткорлик миллий жамиятда икки хавфли тенденция томир отишига замин яратди. Булар узоқ йиллар онг-у шууримиз, дунёқарашимиз ва ҳатто ахлоқимизга сириқ кетган колониал сиёсат таъсири бўлса, иккинчиси, неоколониал-глобаллашган, маданият ва кадрятлар қоршиб кетаётган учинчи минг йиллик «ахлоқи» – «оммавий маданият» хуружи билан боғлиқ эврилишлар-

тегик вазифа сифатида ўртага қўяётган миллий ғоя концепцияси ўтган замонда ҳам бор эди. Хўш, у мавжуд экан, бунинг нимаси тарихий, унинг қай жиҳати инқилобий, деган ҳақли эътирозлар туғилиши табиий, албатта.

Буни изоҳлашдан олдин, узоқ йиллар ҳаёлларимизда айланиб юрган, ўзига жавоб излаётган мана бу мулоҳазаларга тўхталсак ўринли бўлади. Яъни янгиланаётган Ўзбекистон замонавий ҳамжамиятга ўз миллий қиёфаси билан юз тута оладими, ва умуман, маданиятлар қоршиб кетаётган бугунги глобал дунёда мафқуранинг ўзи керакми? Умумий миллий тараққиётимизда мафқуранинг ўрни қандай? Зиёлилар, раҳбарлар, оддий одамлар учун миллий мафқура нима? Мамлакатимизда миллий мафқура шакллантириш ва тарғиб этиш сиёсати мавжудми?..

Бу саволлар моҳият-эйтибори билан 130 йил қарамликда бўлган миллий тафаккуримизни «қутқариш»да муҳим аҳамият касб этади. Кечаётган 30 йилга яқин вақт ичида жамият «сийрати» ўзгариши қийин кечди. Бу бир томондан, ўтиш давридаги маҳдудлик билан баҳоланса, иккинчи томондан, юқорида айтганимиздай, давлатнинг ўзи жамиятнинг миллийлашувидан чўчиди, уни кескин назоратда ушлаб турди.

Бугунги Ўзбекистон ҳукумати ҳаракатлари эса бу борада қозиликни эмас, мазкур ижтимоий жараёнга рағбатни назарда тутди. Зотан, жамиятнинг ҳукумат, ҳукмрон сиёсат истак-хоҳишига қараб эмас, балки миллий анъаналар ва тарихий ўзликка мос тарзда модернизациялаш қўланаётган мақсад – давлатнинг миллий қиёфасини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Масалага мана шу жиҳатдан ёндашсак, давлат раҳбарининг Миллий ғоя масаласига нега қайта

ридан бири бўлганини кўраимиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёзмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдиэларидан далолат беради.

Ҳаммангизга яхши маълум, антик даврда Юнонистонда ёнган илм машъаласи тўққизинчи – ўн иккинчи асрларда Марказий Осиё ҳудудига қайта порлади. Бу даврда юртимиз ҳудудига биринчи Ренессанс юзага келди ва у бутун дунё тан оладиган машҳур доҳоларни етиштириб берди.



Қудратилла РАФИҚОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, сиёсатшунос

# ВАТАН ВА МИЛЛАТ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали



туюлган бўлиши ҳам мумкин. Нафсиламбрини айтганда, ҳақиқатдан ҳам бу – моҳиятан парадоксал бир саҳнадир. Назаримда, бунди Президент ҳам пайқаган. Бироқ у ўз эътиқодига содиқ қолиб, бундай ўй-фикрларга қарши қарашларини қатъий тарзда баён этди:

«Баъзи одамлар, пандемия даврида шу гаплар зарурми, деб ўйлаши ҳам мумкин. Бундай тор қараш билан яшайдиган кишилар янгилашади. Худо хоҳласа, коронавирус пандемияси ҳам эртани кечми, албатта тарихга айланади. Бу касаллик бошланган март ойидаёқ биз ушбу оғир синовдан муносиб ҳолда, янада кучли бўлиб ўтишимиз керак, деб ўз олдимизга улкан вазифа қўйган эдик. Бугун ана шу мақсадларимиз аста-секин амалга ошмоқда. Биз барчамиз улуғ аждодларимиздан ибрат олиб, уларга муносиб бўлиб, доимо эзгу орзу-интилишлар билан яшаймиш керак.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мен йил бошида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномадаги бир фикрга эътиборингизни қаратишни ўринли, деб биламан. Яъни: «Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир».

Чиндан ҳам, бугун биз улуғ ниятлар билан пойдевор қўяётган янги Уйғониш даври мамлакатимизда мана шундай улкан бойлик яратишга, халқимизнинг ҳаётини фаровон қилишга ва келгуси авлодларга ўзимиздан муносиб мерос қолдиришга хизмат қилади.

дир. Айтиш мумкинки, жамиятимиз узоқ йиллар мана шу уч унсур – колониал, неоколониал ва иккаласининг ўртасида пажмурда бўлиб қолган анъанавий ахлоқ-одоб доирасида яшади. Ва таассуфки, улар чапишувидан янги бир гибрид қадрият «ўсиб» чиқди. Бугун бунинг ҳисобини тўлаяпмиз. Бугун бу кучларнинг, таъсирларнинг миллий ўзлигимизга, келажагимизга ва миллат сифатида яшаб қолишимизга хавф туғдиришини англаб етдик. Биз худди боболаримиздай дунёни ақл-у заковатимиз, юксак маънавият ва маданиятимиз билангина лол қила олишимиз мумкинлигини тушундик...

Президентимизнинг мазкур, айтиш мумкин бўлса, тарихий, инқилобий руҳдаги нутқи шу жиҳатдан миллий давлатчилигимиз тарихида ҳам, жамиятимиз ҳаётида ҳам тарихий ҳодиса бўлди десам, адашмаган бўламан. Давлатимиз раҳбари маърузасида «Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз. Биз мактабга таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устун, деб ҳисоблаймиз. Мен ишонаман – хурматли ота-оналар бу ташаббусни албатта қўллаб-қувватлаб, янги Ренессанснинг бешинчи ҳалқаси, бешинчи устун бўладилар. Ва бу маънавий-маърифий ҳаётимиздаги энг муштақкам устун бўлади, десам, ўйламанки, сизлар тўла қўллаб-қувватлайсизлар» дея масалани кескин ва узил-кесил қўяр экан, бу Ўзбекистоннинг чин маънода янги йўлга кирганини, мамлакатда давлатчилик ва ҳукмрон сиёсат миллий ва тарихий-анъанавий ўзгаларга буриляётганини, мухтастар айтганда, азиз Ватанимиз замонавий дунёга постсовет бир ўлка эмас, ЯНГИ ЎЗБЕКISTON бўлиб юзланаётганидан дарак беради.

«Биз кенг қўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак.

Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заманимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқла-

мурожаат қилгани ойдинлашади.

Албатта, ўтган даврни қоралаш, ҳаммаси нотўғри бўлган, дея уни инкор қилиш адолатдан эмас. Қолаверса, бугун ҳеч ким ундай дейётгани ҳам йўқ. Бироқ хатолардан сабоқ чиқариш, турли сабаб ва ваз-қорсонлар туфайли ёпиқлигича қолиб кетган муаммолар, давлат ва миллат тараққиётига тушов бўлиб турган ижтимоий-сиёсий омилларга ечим топиш бугунги ривожланган ва мудом тараққий этаётган замонавий дунёда бекам-у кўст яшаб қолишнинг муҳим шартидир.

Мафқура масаласи, энг аввало, илм-фанда, маорифда шаклланади ва палак ёяди. Шу маънода, Президентимиз мазкур маърузаларида янги Ўзбекистоннинг миллий мафқурасига ҳам пойдевор қўйди десам, адашмайман. Бугун Учинчи Ренессанс дея олқишланаётган кон-

цепция соф этнолингвистик, муштабдилек таъсирларидан ҳоли, ривожланган дунё илм-фани, маданияти ва санъати дурдоналарини ўзида жо қилган МИЛЛИЙ ЖАМИЯТ ва ДАВЛАТ барпо этишимизда муҳим платформа вазифасини ўтайди. Зотан, Шавкат Мирзиёев бу борада замонавий илм-фан ва дунё тажрибалари билан бирга, ўз ўтмишимиз, анъаналаримиз ва ноз йиллардан бўён эътибор қилинмаган тарихий қадриятларимизга юз бурди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида бу борада шундай деди:

«Биз кенг қўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак.

Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заманимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқла-

Хусусан, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий сингари ўнлаб буюк алломаларимизнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига бекиёс таъсир кўрсатди.

«Ислоҳ маданиятининг олтин асри» деб эътироф этиладиган бу даврда она заманимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби улуғ уламолар бутун мусылмон оламнинг фахру ифтихори ва чексиз гурури ҳисобланади.

Ун бешинчи асрда Соҳибқирон Амир Темури бобомиз асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган мухташам салтанат юртимизда иккинчи Уйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Кошии, Али Қўшчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саққокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мутоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд Хондамир каби тарихчилар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Беҳзод сингари мусаввирлар, кўплаб хатот ва созандалар, мусиқашунос ва мезморларнинг шухрати дунёга ёйилди.

Донишманд халқимиз ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган халқлари қаторида бўлгани барчамизга улкан гурур ва ифтихор бағишлайди.

Бир ўйлаб кўрайлик, аждодларимиз бундай юксак чўққиларга қандай эришганлар? Улар, энг аввало, жаҳолатга қарши маърифат байроғини баланд кўтариб, ўз ақл-заковати ва салоҳиятини башариёт яратган илм-фан ютуқларини чуқур ўрганиш ва бойитишга бағишланганлар».

Президент маърузасида бир халқона иб-


**КЕЧА ВА БУГУН: БИЗГА МАФҚУРА КЕРАКМИ?** Моҳиятан олиб қараганда, Президент стра-





*Биз Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида қабул қиламиз. 2018 йил март ойида ўтказилган Афғонистон бўйича олий даражадаги Тошкент конференцияси афғон муаммосини ечиш учун халқаро ҳамжамият савий-ҳаракатларини сафарбар этишда янги босқич бўлди.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**



**Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида минтақа ва дунё учун муҳим ҳисобланган ўндан зиёд ташаббус ҳамда таклифларни илгари сурди. Улар орасида алоҳида банд сифатида Афғонистон масаласига эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас.**

Расмий Тошкент Афғонистонни минтақанинг ажралмас қисми деб ҳисоблайди. Бинобарин, ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатиш бўйича савий-ҳаракатлар жуда долзарбдир. Чунки **Марказий Осиёнинг мустақкам ривожланиши Афғонистондаги вазият барқарорлашуви билан бевосита боғлиқ.** Президент Шавкат Мирзиёев бир неча бор таъкидлаб ўтганидек, афғон муаммосини ҳал этмай туриб, тинч ва юсак даражада тараққий этган Марказий Осиё ҳақида гапириб бўлмайди.

Дарҳақиқат, Афғонистон ва «Толибон» ҳаракати ўртасидаги тинчлик музокараларининг ўтказилиши минтақамиз, қолаверса, бутун жаҳон аҳли учун ҳам бирдек муҳим воқеа саналади. Шу боис, дунё тинчликпарвар кучларининг пировард мақсад – бу заминда ўт очилгани тўғрисида ва кафолатланган тинчликни таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган.

Очилиши айтиш керакки, «Афғон можороси» юзага келган бутун ўтмиши – деярли 40 йил мобайнида мамлакатда тинчлик ўрнатиш жараёнига бу қадар эътибор қилинган эди. Афғонлар ўртасида бундай илқилик, ўзаро ишонч, энг муҳими, тинчлик учун бирдамликнинг қарор топишида янги Ўзбекистоннинг роли, ҳиссаси жуда катта эканини дунё ҳамжамияти яқдил эътироф этмоқда.

Доҳа музокараларининг ижобий яқун топиши «Қўшнинг тинч, сен тинч» деган нақлни устувор биладиган ўзбек халқи учун бошқалардан кўра, ўн чандон туншунарлироқдир. Шу боис расмий Тошкент сиёсий жараёни фақат афғонлар амалга ошириши лозим, деган асосий тамойилга содиқ бўлиб келмоқда

ҳамда томонларнинг миллий ярашувга эришиш йўлидаги савий-ҳаракатлари, интилишларини қўллаб-қувватлаётти. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан афғон заминида тинчлик ўрнатиш мақсадида бир неча йил олдин бошланган халқаро миқёсдаги музокаралар бугунга келиб ўз самарасини бермоқда.

**УЗОҚНИ КЎЗЛАЁТГАН СТРАТЕГИЯ**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2018 йил март ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзудаги халқаро конференция Ўзбекистоннинг афғонлараро тинчлик жараёнини фаоллаштиришга қўшган ҳал қилувчи ҳиссаси бўлди. Тадбирда Ўзбекистон ва Афғонистон Президентлари, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган мамлакатлар, минтақанинг етакчи давлатлари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Президенти Тошкент конференциясида чиқиш қилар экан, Афғонистондаги можорони ҳал қилиш йўлларида аниқ стратегик ечимларини кўрсатиб, расмий Тошкентнинг

**Доҳада бўлиб ўтаётган тинчлик музокараларининг навбатдаги раундини халқаро кузатувчилар тарихий аҳамиятга эга дея баҳоламоқда. Нима учун? Чунки Доҳада узоқ куттилган воқеа – афғонлараро тинчлик музокараларида Афғонистон ҳукумати ва «Толибон» ҳаракати расмийлари юзма-юз мулоқот қилмоқда. Мақсад ягона – муроасага келиш.**

«афғон сиёсати»га доир устувор йўналишларини белгилаб берди. Булар эса Афғонистон Исломи Республикасида тинчликни таъминлаш бўйича халқаро савий-ҳаракатларни фаоллаштириш асосига айланди.

Тошкент декларациясининг яқ-

диллик билан қабул қилиниши форумнинг муҳим мантиқий яқунига айланди. Зеро, унда Афғонистонда узоқ муддатли тинчлик ва барқарорликни қарор топтиришнинг асосий принципларига нисбатан минтақавий ҳамда глобал даражадаги тўлиқ муроаса ўз ифодасини топди. Тошкент декларацияси асосида қарийб икки йил халқаро миқёсда давом этган савий-ҳаракатлар натижасида шу йилнинг 29 февраль санасида Қатар пойтахти

**ТАРИХИЙ УЧРАШУВ**

Тўғри, Афғонистонда ўзоқ йиллардан буён кузатилаётган зўравонликларга қисқа муддатда буткул чек қўйиш имкони йўқ. Аммо бунга босқичма-босқич эришиш мумкин. Буни нафақат Афғонистон, балки халқаро ҳамжамият ҳам истамоқда.

Доҳада бўлиб ўтаётган тинчлик музокараларининг навбатдаги раундини халқаро кузатувчилар тарихий аҳамиятга эга дея баҳоламоқда. Нима учун?

Доҳада Америка Қўшма Штатлари ва «Толибон» ҳаракати ўртасида тинчлик битими имзоланди.

Мазкур анжумандан сўнг дунёнинг ривожланган «ақл марказлари», нуфузли экспертлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ўз таҳминларини баён қилишди. Хорижлик меҳмонлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференцияни ўтказиш ташаббуси ўз вақтида бўлгани ва долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлашди. Негаки, Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон минтақада барқарорлик, изчил тараққий ҳамда яхши қўшничилик анъаналарининг тикланиши ва ривож топишида прагматик ташқи сиёсатни амалга оширмоқда. Мисол учун, ўша пайтда халқаро анжуманини ёритган АҚШ-

Чунки Доҳада узоқ куттилган воқеа – афғонлараро тинчлик музокараларида Афғонистон ҳукумати ва «Толибон» ҳаракати расмийлари юзма-юз мулоқот қилмоқда. Мақсад ягона – муроасага келиш.

Айтиш жоизки, ушбу музокараларга узоқ вақт тайёргарлик кўрилди. Бундан бир неча вақт илгари иккала томон ҳам муроаса учун ўз талабларини илгари сурди ва бу борада ўзаро келишувга эришди. Унга кўра, афғон ҳукумати «Толибон» ҳаракатининг ҳибсда сақланаётган беш минг нафарга яқин аъзоларини озод қилди. Бундан ташқари, «Толибон»лар томонидан ушлаб турилган мингга яқин одам қўйиб юборилди.

**ДИПЛОМАТИК ВА ТИНЧ ЙЎЛ**

Афғонлараро тинчлик музокараларининг очилиш маросимида нафақат



нинг энг кўҳна ва таниқли журналларидан бири – «The Atlantic» (1857 йили Бостонда ташкил қилинган) чоп этган мақолада «Афғонистонда тинчлик ўрнатилишига умид пайдо бўлди» дейилади. Ёки Нью-Делида жойлашган Сиёсий тадқиқотлар маркази директори Удай Бхаскар Ҳиндистоннинг марказий газетаси – «Hindustan Times»да мазкур масала ҳақида сўз юритиб, томонлар ўртасида мулоқотни бошлаш ҳақидаги таклифни «расмийлаштириш» ва келажақда бевосита музокаралар жараёнини бошлашга хизмат қиладиган механизм сифатида баҳоламоқда» дея фикр билдирган эди.

Халқаро кузатувчиларнинг умум-эътирофича, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси бугунги жараёнларда фавқуллода муҳим роль ўйнамоқда.

Афғонистон ҳукумати ва «Толибон» ҳаракати расмийлари, балки Ўзбекистон, АҚШ, Германия, Норвегия, Индонезия давлатларининг афғон масаласи бўйича махсус вакиллари, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг Қатардаги дипломатик корпус вакиллари ҳам иштирок этди. Дастлаб анжуманга мезбонлик қилаётган Қатар давлатининг расмий вакили қатнашчиларни самимий қўллаб, халқаро ҳамжамият афғон муаммосига бефарқ бўлмастлиги, ушбу музокаралар эса томонлар ўртасида ўзаро муроаса қилишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Бундан ташқари, Афғонистон ҳукумати ва «Толибон» ҳаракати расмийлари сўзга чиқиб, бугунги кунда мақсадга зўравонлик билан эмас, балки дипломатия ва тинчлик йўли билан эришиш ҳар томонлама самарали эканини таъкидлашди.

Маросимда АҚШ Давлат котиби Майк Помпео ҳам нутқ сўзлаб, афғон заминидagi барқарор вазият нафақат

Афғонистон ёки Марказий Осиё, балки халқаро ҳамжамият учун ҳам муҳимлигини ва айнан шу боис расмий Вашингтоннинг Доҳа учрашувидан умиди катта эканлигини билдирди.

Анжуман қатнашчилари Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган савий-ҳаракатлар муҳим ва қимматли эканини алоҳида таъкидлашди.



**Исматилла ЭРГАШЕВ, Ўзбекистон Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили:**

– Мамлакат Президенти Ашраф Гани ва сиёсий раҳбар доктор Аб-

нига етишига ишора. Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнида Ўзбекистон доим фаол. Мен ўзим бир неча бор Тошкентда расмий ташриф билан бўлганман. Жаноб Мирзиёевнинг бу борадаги қарашлари, қатъияти, қолаверса, сиёсий фаолиятдан хабардор одам сифатида айтишим мумкинки, бугунги натижаларга эришишда Ўзбекистон Президентининг афғон масаласига халқаро ҳамжамият эътиборини қаратиш йўлидаги доимий савий-ҳаракатлари жуда катта туртки берди десам, муболаға қилмаган бўламан. АҚШ ҳам Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши тарафдори. Ёдингизда бўлса, шу йилнинг февраль ойида АҚШ ва «Толибон» ҳаракати ўртасида тинчлик шартномаси имзоланган эди. Шунинг ўзи ҳам расмий Вашингтоннинг бу борадаги позициясини яққол намён қилади. Ушбу музокаралар Афғонистон учун бир имконият деб ўйлайман. Афғон томони ҳам, «Толибон» ҳаракати ҳам ўтмишдан тўғри хулоса чиқарган ҳолда муроасага келиши зарур. Биз Афғонистонда тинчлик ҳукмрон бўлишини истаймиз. Жафокаш Афғон халқи би-

# АФҒОНЛАРАРО ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИ

дулла Абдулла Афғонистон келажигини, афғон халқи тақдирини ўзларининг режаларидан устун қўйиб, ўзаро келишувга эришишди. Чиндан ҳам бу жуда катта воқеа бўлди. Албатта, ушбу келишувсиз тинчлик жараёнини тасаввур қилиб бўлмасди. Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашши нияти йўқ. Ўзбекистоннинг яқкаю ягона орзу умиди – бу Афғонистонда тинчликни ўрнатиш. Афғонистондаги тинчлик бутун Марказий Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда тинчлик демакдир. Афғон ҳукумати маъқуллаган ва уларнинг савий-ҳаракати ва ёрдамларига ишонган беш мамлакат бор. Бу Ўзбекистон, Қатар, Индонезия, Германия ва Норвегия. Мана шу беш мамлакат махсус вакиллари муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этди. Бунинг натижасида, албатта, мана шу тарихий воқеанинг шохиди бўлиб турибмиз.

Президентимизнинг Афғон муаммоси бўйича ўз режаси бор. Давлатимиз раҳбари Афғонистон орқали коммуникация соҳасини ривожлантириш, электр энергияни фақатгина ушбу мамлакатга эмас, Жанубий Осиё давлатларига етказиб бериш бўйича катта лойиҳаларни илгари сурди. Ушбу лойиҳалар аксарият халқаро ҳамжамият, хусусан, Афғонистон ҳукумати томонидан яхши қабул қилинди. «Толибон» ҳаракати раҳбарияти бу лойиҳаларни Афғонистонда тинчлик ўрнатишига яхши замин яратади, деган фикрни билдирди.

**ШУНДАЙ НАТИЖАЛАРГА ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ДОИМИЙ САВЙ-ХАРАКАТЛАРИ ТУФАЙЛИ ЭРИШИЛМОҚДА**



**Залмай ХАЛИЛЗОД, АҚШ Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили:**

– Афғонистон ҳукумати ва «Толибон» ҳаракати вакиллари юзма-юз афғон муаммосига ечим изламоқда. Бу эса, ўз навбатида, афғон заминда узоқ йиллардан буён кузатилаётган уруш яқу-

**ХАЛҚАРО ХАМЖАМИЯТ Афғонистонда тинчлик бўлишини истайди**



**Маркус ПОТЦЕЛ, Германия Федератив Республикасининг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили:**

– Бугунги кунни тарихий деб бемалол айтиш мумкин. Афғонлараро тинчлик музокараларига эришиш учун узоқ вақтдан буён тайёргарлик кўрилган эди. Доҳа музокараларининг очилиш маросимида иккала томон ҳам тинчлик тарафдори эканини маълум қилди. Шу боис, ушбу анжуман келгусида кўзланган натижага эришишга, афғон заминида вазият барқарорлашишига хизмат қилишига катта ишонч уйғотади.

Ўзбекистон – Афғонистон билан чегарадош мамлакат. Бугун расмий Тошкент ҳам афғон муаммосини ҳал этишда ўзининг қатъий позициясига эга. Ўзбекистон мазкур ташаббусларни қўллаб-қувватловчи Қатар, Германия, Индонезия, Норвегия каби мамлакатлар билан биргаликда самарали натижаларга эришиш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Бу борада Германия томони Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Жумладан, Афғонистонда энергетика, сув таъминоти, соғлиқни сақлаш, таълим каби қатор йўналишларда йирик лойиҳаларни амалга оширяпмиз. Афғон халқи бугун ҳар қачонгидан-да кўмакка муҳтож. Халқаро ҳамжамият Афғонистонда тинчлик бўлишини истайди.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Афғонистон масаласига устувор вазифа сифатида қараш ҳам таъин лойиқ. Бугунги музокаралар 2018 йили Тошкентда айнан шу масалада ташкил этилган халқаро му-



**Янгиланаётган Ўзбекистон одимлари**

тинчлик бўлсин. Ўзбекистоннинг Афғонистонга кўрсатаётган ёрдами алоҳида эътироф этамиз.



**Муҳаммад НАИМ, «Толибон» ҳаракатининг Қатардаги сиёсий ваколатхонаси матбуот котиби:**



**Муҳаммад Жаҳонгир ВОЛИД, «Толибон» ҳаракатининг Қатардаги сиёсий ваколатхонаси аъзоси:**

– Биз Ўзбекистоннинг Афғонистон масаласи бўйича тугган ўрнини, жумладан, Ўзбекистон Президентининг Афғонистон бўйича юритаётган сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз. Чунки мамлакат раҳбарияти Афғонистон муаммосини ҳал этишда ўзи-

– Ўзбекистон Президентининг Афғонистон бўйича амалга ошираётган сиёсати бизни мамнун қилмоқда. Чунки Ўзбекистон ҳеч қачон Афғонистонга зарар етказадиган ҳатти-ҳаракатларни қилмаган, ички ишларига аралашмаган. Биз Ўзбекистонни ўзимизга дўст, яхши қўшни давлат сифатида кўрамиз. Утган йили «Толибон» ҳаракатининг Қатардаги сиёсий ваколатхонаси раҳбари Абдул ғани Бародарнинг Ўзбекистонга сафари муносабатларимизда алоҳида ўрин тутади. Албатта, ўзбек халқининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича эзгу интилишлари бизда

# ТИНЧЛИК ЖАРАЁНЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИНИНГ ЁРКИН ИФОДАСИ

зокараларнинг узвий давоми бўлмоқда. Агар афғон заминиди тинчлик ўрнатилса, бу Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари учун ҳам янги имкониятлар эшигини очади, минтақа давлатлари Форс кўрфазига хавфсиз чиқиш имкониятига эга бўлади. Бу денгиз йўлларига эга бўлмаган минтақа иқтисодийети учун жуда муҳим омил саналади. Қолаверса, Афғонистоннинг минтақа билан интеграциялашуви узоқ йиллик урушларда силласи қуриган ушбу мамлакатда ҳаётнинг тезроқ изга тушишига кўмак беради.

**АФҒОН МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТИШДА ЎЗБЕКИСТОН АСОСИЙ ҲАМКОРЛАРИМИЗДАН БИРИ**



**Мутлоқ Бин Мажд ал-ҚАҲТОНИЙ, Қатар ташқи ишлар вазирининг Терроризмга қарши кураш, мождарларни ҳал қилиш бўйича махсус вакили:**

– Мазкур жараёнда ҳар икки томон ҳам музокараларга ижобий муносабат билдирди. Шунинг ўзиёқ афғон заминиди тинчлик ўрнатиш учун яна бир қадам ташланганини кўрсатиб туради. Бизнинг вазифамиз томонларни музокаралар столи атрофига тўплаш ва мулоқотни амалга ошириш эди. Бу жараёнда Ўзбекистон томони бизга ҳар томонлама кўмак кўрсатмоқда. Шу боис афғон муаммосини ҳал этишда Ўзбекистонни асосий ҳамкорларимиздан бири сифатида тилга оламиз.

**МУЗОКАРАЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ БОСҚИЧИ САМАРҚАНДА БЎЛАДИ**

Афғонлараро музокараларни қатор давлатлар ташқи ишлар вазирлари онлайн шаклда кузатиб, бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов маросимда қилган видеомурожа-

атида Доҳа музокаралари афғон заминиди тинчлик ўрнатишда мустақкам пойдевор вазифасини ўташига ишонч билдирди. Бундан ташқари, Ўзбекистон томони афғонлараро тинчлик музокараларининг навбатдаги босқичини қадимий шаҳарларимиздан бири бўлган Самарқандда ўтказишга тайёр эканини маълум қилди.

Очиғи, бугунги замонавий дунёда Афғонистон терроризм ва гиёҳванд моддалар учоғи сифатида тилга олинади. Аслида шундайми? Ўтмишни варақласангиз, Афғонистон ва афғон халқининг шонли ва ибратли тарихига гувоҳ бўлишингиз мумкин. Мамлакатда тинчликнинг ўрнатилиши ва у ерларда ҳам ҳаёт оқими ўз ўзанига тушиб кетиши Афғонистон ҳақидаги ножоиз қарашларни парчалаш билан ҳам аҳамиятли. Бу йўлда Ўзбекистон томонининг ташаббуслари алоҳида ўрин тутади. Жумладан, расмий Тошкент дунё ҳамжамиятини Афғонистонга терроризм ва наркотик полигонлари деб эмас, кўп тармоқли иқтисодий ва маданий, жумладан, туризм салоҳиятига эга мамлакат сифатида қарашга қақирди ва бунга эришди ҳам. Бу эса, ўз навбатида, ўзбек дипломатиясининг ютуғидир.

**АФҒОНИСТОН ҲУКУМАТИ ВАКИЛЛАРИ ҚАНДАЙ ФИКРДА?**



**Саид Саодат Мансур НОДИРИЙ, Афғонистон Ислам Республикасининг Тинчлик масалалари бўйича вазири:**

– Бу биз – афғонлар учун муҳим аҳамиятга эга воқеалардан бири ҳисобланади. Тўғри, биз ҳали мамлакатда тинчлик ўрнатиш йўлидамыз. Томонлар тинчлик мулоқотига рози. Зўравонликка чек қўйиш ва барқарорликка эришиш – бош мақсадимиз. Қувонарли томони шундаки, қўшни мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистон бизга бефарқ бўлмай, бу жараёнда жуда фаол қатнашмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Афғонистон-

нинг муҳим ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Президенти томонидан юртимизда тинчлик ҳукмрон бўлиши учун қилинаётган сазй-ҳаракатлар, амалга оширилаётган йирик лойиҳалар, афғон халқи фаровонлиғини таъминлашга ўз хиссасини қўшмоқда.



**Фавзия КУФИЙ, Афғонистон парламенти депутати:**

– Афғонистон ҳукуматининг музокаралар гуруҳи қарийб етти ой олдин тузилган бўлиб, ҳар бир масалани синчковлик билан чуқур ўрганишга ҳаракат қилди. Энг аввало, афғон халқининг демократик тамойилларидан бири бўлган сайлаш ва овоз бериш ҳуқуқини сақлаб қолиш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, айниқса, хотин-қизлар муҳофазаси масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Ушбу музокараларда ўзим аёл бўлганим учун афғон аёллари манфаатини ҳимоя қилиш, музокаралар гуруҳи вакили сифатида афғон халқи фаровонлиғи учун муҳим масалаларни илгари сурмоқдаман. Шу ўринда Доҳа музокараларида Ўзбекистон томонининг ҳам фаол иштироки бизни қувонтирмоқда. Умуман олганда, кейинги йилларда Ўзбекистон билан яхши қўшничилик алоқалари ўрнатилмоқда.

Коронавирус пандемияси дунё иқтисодийётига жиддий зарар етказди. Пандемия даврида Афғонистонда ҳам кўплаб қутилмаган муаммолар туғилди. Ана шундай мураккаб даврда Ўзбекистон ўзининг Афғонистонга ҳақиқий дўст эканини яна бир қарра исботлади. Расмий Тошкент Афғонистон билан чегараларни ёпмади. Бу озқовқат маҳсулотларининг бизга кириб келишида катта ёрдам бўлди. Айни пайтда Ўзбекистон ташаббуси билан Мозори-Шариф-Қобул йўналиши бўйича темир йўл лойиҳаси амалга оширилмоқда. Марказий ва Жанубий Осиёни бир-бири билан боғловчи ушбу темир йўл Афғонистон иқтисодийёти ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшади.



**Ботир ДЎСТУМ, Афғонистон парламенти аъзоси:**

– Шу вақтгача Афғонистон ҳукумати ва «Толибон» ҳаракати вакилларининг бир стол атрофида рўбарў ўтириши катта бир масала эди. Томонлар тинчлик йўлида катта бир даврда ўзаро музокараларни бошлагани муҳим воқеа саналади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонлар ўртасида мулоқотнинг амалга ошишига катта ҳисса қўшди. Ўзбекистон – Афғонистонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда улкан режаларга эга. Мана шу музокараларнинг йўлга қўйилишида ҳам Ўзбекистоннинг ҳиссаси катта бўлди, деб ўйлайман. Расмий Тошкент музокараларнинг навбатдаги босқичини тарихий шаҳар – Самарқандда ўтказишни таклиф қилди. Бундан жуда мамнунмиз. Дунё шунга тарафдорки, Афғонистондаги тинчлик учун мулоқот зарур.

**«ТОЛИБОН» ҲАРАКАТИ РАСМИЙЛАРИ МУНОСАБАТИ**



**Абдул Салом ҲАНАФИЙ, «Толибон» ҳаракатининг Қатардаги сиёсий ваколатхонаси аъзоси:**

– Бугун барча афғонлар, қўшни давлатлар, дунё учун тарихий аҳамиятга эга кун саналади. Ўзбекистон муҳим қўшниларимиздан бири. Мамлакатининг сазй-ҳаракатлари алоҳида эътирофга лойиқ. Минтақада тинчлик барқарор бўлиши учун кўплаб ташаббуслар амалга ошириляпти. Ўзбекистон томони Афғонистоннинг ички ишларига аралашмайди. Иноқ, яхши қўшни сифатида ўзини намоён қиляпти. Биз ҳам шуну хоҳлаймики,

нинг самимий ва прагматик ёндашуви билан эътиборимизни қозонди. «Толибон» ҳаракати Ўзбекистоннинг Афғонистон бўйича илгари сураётган лойиҳаларини доимо қўллаб-қувватламоқда. Бу лойиҳалар афғон халқи учун жуда катта фойда келтиради ва мамлакатимизда тинчликни қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этади.



**Абдулла АБДУЛЛА, Миллий келишув бўйича олий кенгаш раиси:**

– Афғон халқи тинчликни истайди. Шу боис, мазкур музокаралардан умидимиз катта. Зўравонликлар ҳеч бир томонга наф келтирмайди. Бугун ҳар икки тараф ҳам буни англаб етган. Тинчликка эришиш қанчалик қийин бўлмасин, тарафлар мурося йўли билан жуда катта натижаларга эриша олади. Бу жараёнда Ўзбекистон афғон муаммоси ижобий ҳал этилиши учун ҳар томонлама кўмак бериб келмоқда. Афғонистонни ривожлантириш, иқтисодийётини қайта тиклаш учун расмий Тошкент ташаббуси билан йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мана, масалан, «Сурхон-Пули-Хумри» электр узатиш тармоғи қурилишини олайлик. Бу лойиҳа Афғонистоннинг чекка қишлоқларидагидей одамлар ҳаётига ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу ҳудудларга электр энергияси етиб бориши билан аҳолининг ҳаёти ўзгаради. Бу уларнинг соғлиғи, таълим олиши, бир сўз билан айтганда, турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Бундай мисоллар жуда кўп. Бугун Афғонистон ва Ўзбекистон чегаралари ҳам очик. Бу эса иқтисодий ва ижтимоий йўналишларда кўплаб лойиҳаларни амалга ошириш имконини бермоқда. Қандайдир муаммолар юзага келса-да, қисқа вақтда бартараф этиляпти. Бу жараён жаноб Президент Шавкат Мирзиёев назоратида. У киши афғон заминиди барқарорлик ва фаровонлик бўлиши учун нимаки зарур бўлса, амалга оширмоқда. Бундай эътибор ва кўмак савдо-иқтисодий, sanoat, транспорт-логистика йўналишлари ривожига хизмат қилмоқда ва бунинг учун Ўзбекистонга ташаккур деймиз.

**ЭКСПЕРТ ФИКРИ**

**Фредрек СТАПП, АҚШ Ташқи сиёсат кенгаши ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти асосчиси ва раиси:**

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Доҳадаги Афғонистон бўйича учрашувида ўзбек томонининг муҳим роли билан табрикламоқчиман. Ҳақиқатан ҳам бу жуда муҳим воқеа ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистонга яқинлашиш, уни яхши қўшни ва минтақанин бир қисми сифатида кўришга қаратилган стратегиясининг бевосита натижасидир. Мен Ўзбекистоннинг ушбу учрашувлардаги ролига жуда оптимистик қарайман. Чунки мамлакатининг Афғонистондаги вазиятни яхши билади. Ўзбекистон томони афғонларга яхши маълум ва уларнинг ҳурматига сазовор. Ишончим комилки, ушбу учрашув Ўзбекистон вакилларининг иштирокидан фақат ютади. Ўзбекистон стратегияси бир неча йиллардан бунён шу мақсадга қаратилган бўлиб, ўз самарасини бермоқда. Бу секин ва узоқ вақт давом этадиган жараён. Бир кунда содир бўлиши мумкин эмас эди. Лекин Ўзбекистон ўз қўшилари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, олға илдамламоқда. Бу Марказий Осиёни тўлақонли мулоқотга яқинлаштиряпти. Шуну таъкидлашни истардимки, ушбу учрашувда Ўзбекистоннинг иштирок этиши мамлакат ва унинг раҳбариятига бўлган ишонч намунасидир. Қўшма Штатлар Ўзбекистонни учрашувда фаол иштирок этишга қўллаб-қувватлаётгани ҳам бунинг тасдиғидир.



Дурдона АЛИМОВА  
тайёрлади

Жамоатчилик назорати



# Қонун устуворлиги йўлида

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида касба уюшмалари инспекциялари Наманган вилоятидаги фермер хўжаликларидан бўлишди.



Хусусан, Уйчи туманидаги «Аҳрорбек Ифтихор-Файз» фермер хўжалигида меҳнат муносабатларига риоя этилиши борасида меҳнат қонунчилиги талаблари бузилганлиги ҳолати аниқланди.

пахта йиғим-терими мавсумида жалб этилган теримчилар билан шартнома тузмаган.

Фермер хўжалиги раҳбари 2019 йил март ойидан меҳнат шартномаси асосида фаолият юрита бошлаган Т.Жабборов ва шу йил март ойида пудратчи ва зирлигида ишлаган М.Абдуллаев билан меҳнат шартномасини бекор қилиб, уларга шартнома бекор қилинган тўғрисида буйруқдан нуска бериб, тилхат олмаган. Қолаверса, Адлия вазирлигида 29.01.1998 йилда 402-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тўғрисида»ги Йўриқнома талабини бузиб, ушбу ходимлар билан меҳнат шартномаси бекор қилинган кун меҳнат дафтарчаларига тегишли ёзувни киритмаган. Бундан ташқари, жорий йилдаги

Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Давлат меҳнат инспектори Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси 1-қисми ва 255-моддаларини қўллаб, иш берувчини 1 миллион 115 минг сўм жаримага тортиди. Шунингдек, пахта йиғим-теримида иштирок этаётганларнинг барчаси билан шартномалар тузилишига эришилди.

Жамоатчилик назорати Қашқадарё вилоятида ҳам ўтказилди. Муборак туманининг Қарлик қишлоғида теримчилар учун шарт-шароит яратиб берилиши, мавсум давомида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга

## ТЕРИМЧИЛАРГА ҚАНДАЙ ШАРОИТ ЯРАТИЛГАН?

Жорий йилги пахта йиғим-терими мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш, мавсум давомида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат инспекцияси масъул ходимлари Сурхондарё вилоятининг бир қатор туманларида бўлди.

Олтинсой туманидаги «Тошмурод Норбобоев», «Низомиддин Олмазор», Узун туманидаги «Мухбир ШАШ», «Лазизбек», Шеробод туманидаги «Бекзод-Бахтибек-Умурзоқ», «Салимов Маҳмадўст», «Ислоббек-Икромбек-Файз», Сарисийё туманидаги «Саидбоймаҳмад» фермер хўжаликларидан мониторинг ўтказилганда теримчилар учун етарли шароит яратилгани, тиббий хизмат кўрсатиш йўлига қўйилгани қайд этилди. Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатлари аниқланмади.

Шеробод туманидаги «Деҳқонариқ» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган аҳоли дам олиш хиёбонида теримчилар учун мўлжалланган 6 та ётоқхона кўздан кечирилди. Бу ерда Бойсун туманининг турли маҳалла фуқаролар йиғинларидан 281 нафар теримчи жойлашган бўлиб, уларга етарли даражада шароит яратилгани, ошхонанинг санитария-гигиена ҳолати талаб даражасида эмаслиги аниқланди. Камчиликларни бартараф этиш юзасидан мутасаддиларга тегишли тавсиялар берилди.

Зариф ХОЛОВ,  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Сурхондарё вилояти бўйича меҳнат инспектори

Самарқанд вилояти

Ихтиёрийлик касб этмаган фаолиятнинг ҳар қандай турида унум, барака ва сифат бўлмайди. Мажбурий меҳнатга барҳам бериш тамойили диёримизда устуворлик касб этаётгани ҳам бежиз эмас. Айнан шунга кўра, пахта йиғим-терими иштирокчилари фаолияти юзасидан кенг жамоатчилик назорати ўрнатилган.

## Меҳнат ҳам ижоддек бўлсин

Теримчилар учун яратилган шарт-шароит, мавсумда болалар меҳнатига йўл қўйилмаслик ҳолати жиддий кузатув остида бўлиб, Миллий мониторинг бўйича ҳудудий ишчи гуруҳи кенг миқёсли ўрганишлар ўтказмоқда.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан кунлик белгилаб берилган кординатлар бўйича кузатувлар ташкил этилаётир, – дейди Касба уюшмалари Миллий мониторинг гуруҳининг Самарқанд вилояти бўйича масъул вакили Шерзод Неъматов. – Оқдарё, Пастдарғом, Иштихон ва яна бир қатор туманларда ҳашарчиларга яратилган шарт-шароит билан яқиндан танишдик. Эътироф этиш жоизки, аксар пахта терими иштирокчилари фаолияти белгиланган тартиб асосида ташкил этилган. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича мутлақо муаммо йўқ. Аммо меҳнатни ташкил этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари баъзи ҳолларда унутилганлигига гу-



воҳ бўлапмиз. Чунончи, гуруҳ ташриф буюрган Пастдарғом тумани «Янги авлод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Олти уй» фермер хўжалиги далаларида отрядга уюшмаган ҳолда меҳнат қилаётган ҳашарчилар аниқланди. Гарчанд иссиқ оғдат, ҳақ тўлашда муаммолар бўлмас-да, терим иштирокчилари фаолиятини расмийлаштиришда камчиликлар бор. Масалан, гуруҳни


шақлантириш, отряд паспорти, теримчилар рўйхати, отряд ва теримчи ўртасидаги меҳнат шартномаси тузилмаган. Ушбу жамоани шақлантирган отряд мутасаддисига меҳнатни ташкил этиш юзасидан касба уюшмалари ишлаб чиққан услубий қўлланма етказилганига қарамай, уни амалга жорий этишда лоқайдликка йўл қўйилган. Тумандаги «Гумбаз» фермер хўжалиги

далаларида меҳнат қилаётган ҳашарчилар фаолиятини ташкил этишда ҳам ана шундай камчиликлар борлиги маълум бўлди.

Иштихон туманидаги ўрганишлар жараёнида ҳам этиборсизликка йўл қўйилганганига дуч келинди. Мақсуджон Маҳмудов номидagi фермер хўжалигида «Чигатой» маҳалласининг 70 нафар уюшмаган аҳолиси пахта тераётгани аниқланди. Отряд ва фермер хўжалиги раҳбари дала бошида бўлса-да, теримчилар учун ҳеч қандай шароит яратилмаган. Меҳнат қилаётганлар фаолиятини ҳимояловчи ҳужжатлар тузилмаган. Боз устига, бу ерда на иссиқ оғдат, на қайнатилган сув, на тиббий кўмак учун бирон-бир восита йўқ. Фермер хўжалиги раҳбари Маҳмуд Имомов этиборсизлик қилгани учун изза тортиди.

Меҳнат муносабатларида устуворлик касб этадиган ҳолатларга бепасандликни ҳеч бир нарса билан ҳаспўшлаб бўлмайди. Ачинарлиси, ҳали-ҳануз фуқаролар билан мустақил равишда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаси ёки фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар тузиш аҳамиятини англаб етмаётганлар борлигидир. Тўғри, меҳнатга ҳақ тўланаётми. Аммо фаолиятнинг ҳуқуқий асослари ҳам тўлиқ яратилмоғи шарт. Шундагина меҳнатқилинган амалдаги ҳуқуқи ўз ифодасини топган ҳисобланади.

Нурилла ШАМСИЕВ,  
«ISHONCH»



## Иш ўрни 200 дан ошди

Хоразм вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бандлик масаласига алоҳида эътибор қаратиб, хусусан, хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш истагида бўлган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш чораларини кўрмоқда.

– Жойларда бўлганимизда бошланғич ташкилотларнинг фаолияти билан танишиш баробарида янги фаолият бошлаган тадбиркорлар, шу ниятни кўнгилга туккан юрдошларимиз билан ҳам мулоқот қиляпмиз, – дейди АСМ ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси, халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши депутати Шавкат Сафарбоев. – Уларнинг хоҳиш-истаклари, бизнес режалари билан қизиқяпмиз. Энг мақбул ғоялар учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Хусусан, Хонқа туманидаги «JAMOL KAMOL TEX GROUP» МЧЖ фаолияти диққатимизни тортиди. Тадбиркор Муҳиддин Ражабов хорижда таълим олган экан. Креатив фикрларни илгари суриб, янги иш ўринлари очиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ниятида эканини билдирди. Унинг бизнес режаси қўллаб-қувватланди ва 150 миллион сўм кредит ажратилди.

Ушбу маблағ эвазига корхонада 15 та янги иш ўрни яратилди. Бу ерда асосан эркеклар кийимлари, чойшаб жилдлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Маҳсулотлар бозор-боп бўлгани боис, экспортга йўналтириш ҳам кутилмоқда.

Умуман, ўтган давр мобайнида вилоят бўйича 17 та корхонага имтиёзли кредитлар ажратилиши натижасида 216 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлашга эришилди.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА,  
«ISHONCH»

Навоий вилояти

## Мадад БЕПУЛ ЙЎЛЛАМА

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Зарафшон шаҳар кенгаши ўқитувчи ва мураббийларни мунтазам моддий ва маънавий рағбатлантиришга эътибор қаратиб келмоқда.

Эзгу ишлар давом эттирилиб, яқинда Зарафшон шаҳридаги 12-мактабнинг рус тили фани ўқитувчиси Нодира Бобоевага ҳам «Умид гулшани» санаторийсига бепул йўлланма ажратилди.

Линура ОСТАНАЕВА,  
Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Зарафшон шаҳар кенгаши раиси

Қашқадарё вилояти



## Бор бўл, оқибат!

Бу йил 3 нафар ходим оила қуриб, янги ҳаётга қадам қўйди. Албатта, улар ҳам белгиланган тартибда рағбатлантирилди. Бундан ташқари, сув ташиш ва юк ташиш машиналари, корхона автобуси тўй соҳибларига хизматда бўлди.

Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, касба уюшма кўмитасининг юқори ташкилотларга бир неча бор қилган муурожаатлари эътиборга олинди, жорий йилда ходимларимизга зарарли шароитда ишлагани учун маошига қўшимча тўлов пули берилиши яна тикланди. Ваҳоланки, сўнгги икки-уч йилда бу тўлов берилмаётган эди. Ҳозирги вақтда заҳарли ва зарарли шароитда ишлаганимиз учун ойлигимизга 500 минг сўмдан қўшимча оляпмиз.

Айни кунларда корхона маъмурияти билан биргаликда ходимларнинг қишки мавсумга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиши ва озиқ-овқат захирасини яратиб олиши учун галдаги моддий ёрдам маблағларини тарқатишни мўлжаллаб турибмиз.

Тошболта АВАЗОВ,  
«Муборак иссиқлик электр маркази» АЖ касба уюшма кўмитаси раиси



## Дўст бошга иш тушганда билинади

«Муборак иссиқлик электр маркази» акциядорлик жамиятида юкчи бўлиб ишлайдиган Иброҳим Муҳаммадиев уй-жой қўрмоқчи бўлди. Корхона касба уюшма кўмитаси қарори билан ходимга моддий ёрдам ажратилиб, қурилиш ашёлари олиб берилди. Ҳовлисини ободонлаштириш учун техника ажратилди. Махсус трактор ҳовлининг паст-баландини текислаб берди.

Корхона касба уюшмаси бундай хайрли ишларни анъанага айлантирган. Хусусан, касалманд фарзандини ёлғиз боқётган оналарнинг дардига малҳам бўлиш мақсадида Сайёра Рўзику-

ходимаси Хуррият Музаффарова соғлиги ёмонлашганидан шикоят қилган эди. Унга ҳам даволаниши учун зарур маблағ берилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. 23 нафар ногиронлиги бор ходим, 8 нафар кам таъминланган оила вакили, олти нафар байналмилал жангчи ҳам давлат дастурига асосан моддий ёрдам олишди. 9 нафар юбилей ҳамда бир нафар пенсия ёшига етган фахрийга эҳтиром кўрсатилиб, қимматбаҳо совғалар топширилди.

# Қоракўл мактаби тажрибаси: ЮТУҚЛАР СИРИ НИМАДА?

Қоракўл халқаро математика мактаби ҳақида эшитмаган одам бўлмаса керак. Ушбу мактаб 1990 йилда ҳозирда 75 ёшни қарши олган фидойи педагог, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Тўхтамурод Жумаев ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, кўплаб математик ва зукко мутахассисларни етказиб бермоқда. Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида Президентимиз ушбу мактаб тажрибасини атрафлича ўрганиш ва кенг ёйиш зарурлигини таъкидлагани ҳам бежиз эмас. Ҳиндистон, Япония, Россия, Жанубий Африка, Австралия, Озарбайжон каби давлатларда ўтказилган халқаро фан олимпиадаларида иштирок этиб, олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритиб, юқори натижаларга эришган мактаб педагогларининг бошқалардан фарқи, ўзига хослиги ва сири бўлиши тайин. Мактаб директори ва устозлари билан мулоқотдан кейин бу сирни кашф этгандек бўлди.



қанча билимли бўлса-ю, аммо ўқувчилар қалбига йўл тополмаса, бундай педагог билан хайрлашади. Таълим сифатини «ушлаб» турувчи яна бир муҳим жиҳат, мактаб ўқувчиларидан ҳар ойда фанлардан синов тестлари олинди ва унинг натижаларига қараб синф ўқувчиларининг ўзлаштириши, илғорлиги ёки қайси синфда суғлашишлик юз бергани аён бўлади. Қолаверса, бу мониторинг орқали педагог билим-маҳоратига ҳам ҳолис ва муносиб баҳо берилди. Мониторинг натижалари доим мактаб фойега иланиб, ўқувчилар иштирокидаги педагогик йиғилишларда алоҳида муҳокама қилинади. Шу сабаб мактабда педагоглар ва ўқувчилар, синфлар ўртасида соғлом рақобат муҳити юзага келган. Бу муҳит барчани ҳаракатлантириб, тинимсиз ўз устида ишлашга ундайдиган таянч кучдир.



Шундан сўнг болалар бир оз дам олишга, кунни узайтирилган гуруҳларда 15:00 дан кечки 19:00 гача ўзлари қизиққан спорт ва фан тўғрисида машғул бўлади. Кимдир инглиз тили ва футбол, яна биров

## ЎЗ ВАҚТИДА КЎРИЛГАН ТАДБИР

Дониёр Исмоилов – шу мактабнинг 11-синф ўқувчиси. «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳиби. Қоракўл туманидан бироз олисда бўлган Мирзақалъа қишлоғида туғилиб, ўша ердаги 48-мактабда илк таҳсилни олган. Ўқитувчилари ва синфдошлари Дониёрнинг математикага бўлган қизиқиши ва қобилияти юқорилигини яхши билишгани боис унинг ота-онасига Дониёрни ихтисослашган мактабга юбориш фикрида эканини айтишди.

Дониёр тестдан муваффақиятли ўтиб, ҳақиқатдан юқори балл билан ихтисослашган мактабга ўқишга кирди ва бу ердаги синф раҳбари Шерназар Саломовнинг эътиборига тушди. У оғир-босиқ, мулоҳазали, математикага ниҳоятда истеъдодли эди. Аммо бир йилдан сўнг Дониёрнинг онаси Шерназар Саломовга оиласида моддий қийинчилик юзага келгани, боласининг мактабдаги овқат пули, ҳар ҳафта уйга келиб-кейтиши учун қилинадиган харажатларни қоплашга имкони йўқлиги, шу боис ўғлини яна қишлоқ мактабига олиб кетишини билдирди.

Тўғри-да, оилада фақатгина ота заводда ишлар, ўша пайтда заводда ишлар ҳам бироз «тортилиб» қолгани дард устига чипқон бўлганди. Яхшиямки, мис билан олтинни яхши фарқлай оладиган Шерназар Саломовдек фидойи педагогларнинг борлиги. У шартта мактаб директори олдига кириб, ўқувчининг истеъдодлигини, аммо ўқишга оилавий шароити йўл

## Таҳлил

қўймаётганини, шу боис уни тўловлардан озод қилиши, шанба-якшанба кунлари эса болани ўз уйига олиб кетиб, ўзи қараб туришини айтиди. Директор бу таклифни қўлаб-қувватлади. Шу билан ўқувчи мактабда қолди.


Дониёр шароитига қараб уйига бориб турар, асосан шанба-якшанба кунлари устозиникида у билан шуғулланар, дам оларди. Кўп ўтмай халқаро олимпиадага тайёрланаётган ўқувчилар гуруҳига қўшилди. 2017 йил Ҳиндистонда бўладиган халқаро олимпиадага кетиши аниқ бўлгач, устозининг уйда ёзи таътилда ҳам қаттиқ шуғулланди. Илмий журналлардан мисоллар, интернетдан олинган тестлар, халқаро тоифадаги математикларнинг тавсия ва маслаҳатлари, дарслари... Буларнинг барчаси Дониёрни янада тоблади.

Ниҳоят, ниятлар, мақсадлар, ғалаба наҳидаси бир-бирига улашиб кетди. Дониёр ва унинг яна бир синфдоши математика бўйича халқаро олимпиадада мамлакатимизга илк олтинларни олиб келди. Ундан олдин ҳам мамлакатимиз вакиллари халқаро олимпиадаларда иштирок этар, аммо натижалар фақат кумуш ва бронза билан туғайган эди. Бу гал эса узоқ ва машаққатли меҳнат, ҳақиқий истеъдодни ўз вақтида кадрлай билган жамоа чинакамига ғалаба наҳидасини сурди. Ушундан бери Дониёр ва унинг тенгдошлари яна кўп мусобақалардан олтин ва кумуш медалларни келтирди. Ҳозирда Дониёр мактабнинг фахрий ўқувчиларидан бири. Келгусида иқтисод йўналишида таълим олиб, ўз олдига мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшадиган инсон бўлишни мақсад қилган.

## ХУЛОСА

Дарҳақиқат, бу даргоҳда ишлаётган педагоглар ўз ишининг усталари, ҳақиқий фидойи инсонлардир. Улар устозлик нигоҳи билан боладаги истеъдодни сеза олишади. Шу боис, мураккаб ва ноэтик вазиятлар юзага келганда, қалб амрига қулқўлиб, энг аввало, истеъдодни асраб қолишга киришади. Агар Шерназар Саломов Дониёрнинг қишлоққа қайтишига томошабин бўлиб турганида, шанба-якшанба уйига олиб кетишни бўйнига олиб, у билан кунт билан шуғулланмаганида, ёзги таътиллар ҳақиқий «дам олишга» айланганида мактабнинг олдинги кумуш ва бронзалари олтинга айланарми? Албатта, йўқ!

Демак, иқтидорлар билан мутасил ишлаш, устозлар фидойчилиги ва болажонлиги, мактабда ўрнатилган қатъий тартиб-интизом ҳамда соғлом рақобат муҳити каби жиҳатлар мазкур мактабга муваффақият олиб келмоқда. Яқинда ХТБ ходимлари ушбу мактаб ишини бутун юртимизга тарғиб этиш устида бош қотириб, мактаб ҳақида махсус видеофильм, методик қўлланма тайёрлаш хулосасига келишди. Бундан ташқари, ҳар бир вилоят марказида мактаб тажрибаси асосида математикага ихтисослашган мактаблар ташкил этиладиган бўлди. Турли вилоят ва туман ҳокимлари, ХТБ раҳбарлари ва ўқитувчилар ҳар кун ушбу мактаб тажрибасини ўрганишга келмоқда. Яқин йилларда мамлакатимизда яна кўплаб истеъдод гуначалари очилса, не ажаб! Зеро, бугунги ҳаракатлар ана шундай умидлар уйғонишига асос бўлмоқда.



Зебо НАМОЗОВА,  
«ISHONCH»

## «Spartak konsalting» масъулияти чекланган жамияти риэлторлик ташкilotи бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Агрокимёхимия» АЖ Вобкент тумани филиалининг шу йил 25 сентябрдаги 01-02/57-сонли буюртма-хатига асосан куйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, «Хўжаработ» МФЙ, Хўжаработ аҳоли пунктида жойлашган, умумий майдони 2800 м<sup>2</sup>, қурилиш майдони 969 м<sup>2</sup> ва фойдали майдони 900,5 м<sup>2</sup>дан иборат бўлган «Молхона биносига».

**Бошланғич баҳоси – 92 705 322 сўм.**  
2. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, «Гулистон» МФЙ, Гулзор аҳоли пунктида жойлашган, умумий майдони 520 м<sup>2</sup>, қурилиш майдони 520 м<sup>2</sup> ва фойдали майдони 474,4 м<sup>2</sup>дан иборат бўлган «Минерал ўғит омбори».

**Бошланғич баҳоси – 44 303 797 сўм.**  
Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари соат 09:00 дан 18:00 гача Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади.

Аукцион савдоси 2020 йил 7 ноябрь кунни соат 11:00 да Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уйда бўлиб ўтади.

**Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати:** 2020 йил 6 ноябрь кунни соат 18:00 да тўхтатилади.

Мазкур буюртма 2020 йил 7 ноябрь кунни ўтказиладиган очик аукцион савдосида сотилмаган тақдирда буюртманинг такрорий аукцион савдолари 2020 йилнинг 14, 21, 28 ноябрь ва 2020 йилнинг 5, 12, 19, 26 декабрь кунлари соат 11:00 да ўтказилишни олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион қилибга савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун мuddат ичида буюртма бўлган ҳуқуқни тасаруф қилиш бўйича олди-сотди шартномасини тузиши ҳамда олди-сотди шартномасига асосан мулк учун тўловларни амалга ошириш юклатилади.

**Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабдорлардан:**

- савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдориди закат пулиларини тўлашлари;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – паспорт нусхаси;
- хорижий юридик шахслар – улар устозининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусха;
- хорижий фуқаролар – чет давлат миллий ёки дипломатик паспорт;

– Ўзбекистон Республикасида доимий ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар – яшаш гувоҳномаси нусхаси;

– юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низом нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Савдолар учун буюртманомаларни қабул қилиш савдо кундан бир кун олдин 18:00да тўхтатилади.

Буюртманомалар иш кунлари (яъни шанба ва якшанба ҳамда байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларига қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат пули тўғрисидаги келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини савдо кунига қадар «Spartak konsalting» масъулияти чекланган жамиятининг ҳисобрақамига (банк: «Ипотека банк» Бухоро шаҳридаги Сардор филиали, ҳ/р:20208000804942181001, МФО: 00119, СТИР: 302131286) тўлашлари шарт.

**Манзил:** Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уй. **Тел.:** (0-365) 221-51-81 **E-mail:** spartak-konsalting@umail.uz **Веб-сайт:** www.sk7.uz

Лицензия RR 0079

Республика телевидение ва радио касб-хунар коллежи томонидан 15.03.1998 йилда тузилган Шарофуддинова Хуснора Зайниддин қизига 2017 йил 12 июнда берилган К 4887278 рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Паркент Транспорт ва сервис касб-хунар коллежи томонидан 12.09.1999 йилда тузилган Шарофиддинов Мухиддин Фахриддин ўғлига 2018 йил 19 июнда берилган К 5274539 рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Металлургия ва машинасозлик sanoati ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси Миркомил Сағдуллаева сингиси  
**Насиба ҲОШИМОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касба уюшмасининг Нукус шаҳар кенгаши бухгалтери  
**Ширин ТЎЛИБЕКОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррирининг (русча нашр бўйича) ўринбосари Темура Мамажоновга отаси  
**Машраб МАМАЖОНОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

## ШАФОФ ТАНЛОВЛАР САМАРАСИ

Бутун дунёда иқтидорли болалар танлаб олинди, ихтисослашган мактабларда истеъдод қирраларига янада сайқал берилди. Ёшлар эса улғайиб, келгусида чинакам миллият бойлигига айланади. Шу боис, мактабда, аввало, энг муносиб ўқувчиларни танлаб олишга жуда катта эътибор қаратилади. Яъни, Давлат тест маркази томонидан талабдор ўқувчилар тест асосида синовдан ўтказилади. Бу йил мактабга 3 та синфга 30 тадан 90 та ўрин ажратилган.

– Яқинда тест синовларини ўтказдик, – дейди мактаб директори Темура Рўзиев. – «Иқтисод» синфига 30 нафар бола қабул қилинади. Аммо бундан қарангки, 27-дан 37-ўрингача бўлган 10 нафар талабдор бир хил балл тўплабди. Энди улар учун яна қайта имтиҳон ташкил этилади ва энг юқори балл олган 3 нафар номзад ўқувчиликка қабул қилинади «Юқори балл олишди-ку» деб, бали бир хил ўқувчиларнинг ҳаммасини қабул қилолмаймиз. Чунки ўқувчилар сонининг 30 нафардан ошиши таълим сифатига салбий таъсир кўрсатади. Бош мақсадимиз – энг иқтидорли ва билимли ўқувчиларни танлаб олиб, улар билан чуқур шуғулланиш. Мактабга ўқувчилар 6-7 синфдан қабул қилиниб, 3 та йўналишда ўқитилади: математика-физика, математика-инглиз тили ва кимё-биология.

## МОҲИР ПЕДАГОГЛАР ҲАМДА РАҚОБАТ МУҲИТИ

Иқтидорли ўқувчилар танлаб олинган, уларга сабоқ бериш учун энг билимдон, маънан юксак ва моҳир педагоглари жамоа сафига тортиниш жиддий эътибор қаратилади. Таълим даргоҳига синов асосида фақат биринчи ва олий тоифали педагоглар қабул қилинади. Яна бир шарт борки, агар устоз ҳар

## ТЕЛЕФОН, ДАРС СОАТЛАРИ ВА КУНИ УЗАЙТИРИЛГАН ГУРУҲЛАР

– Мактабимизнинг ўз ички тартиб-қоидалари бор, – дейди директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Ғайрат Қулриев. – Ўқувчиларнинг қўл телефонидан фойдаланишига рухсат берилмайди. Биринчидан, бу уларнинг хаёли ўқишдан чалғишига олиб келса, иккинчидан, тарбиясига салбий таъсир қилади. Педагоглар ҳам дарс вақтида қўл телефондан фойдаланишмайди. Бундан мунтазам текшириб турамиз. Бош мақсадимиз – дарсларнинг сифатли, мазмунли ва қизиқарли ташкил этилишига қаратилган бўлиб, бутун диққат-эътибор фақат машғулотга йўналтирилсагина бунга эришиш мумкин.

Ихтисослашган мактабда дарслар 14:00, 14:30 гача давом этади.

эса инглиз тили ва биология, бошқа ўқувчи математика ва баскетбол каби машғулотларни танлаши мумкин. Фан тўғрисидаги ўқувчилар билан алоҳида, халқаро олимпиадаларга тайёрланаётган ўқувчилар билан алоҳида машғулот ўтказилади. Математика йўналишидаги илмий журналлар, махсус тестлар, халқаро илмий журналлардан олинган мисоллар ишланади. Бўлиб ўтган халқаро олимпиадаларнинг савдолари ечилади. Халқаро олимпиадада иштирок этиб келган ўқувчилар ўз тажрибалари билан ўртоқлашади. Хуллас, кунни узайтирилган гуруҳда ўқувчилар билан индивидуал ёндашув асосида ишланади. Чунки айнан болага алоҳида ёндашувгина очилмаган қирраларни кашф этишни тезлаштиради.

# «ЎҒРИГИНА ОШИҚ» ҚИССАСИ



Ташкент вилоятининг Қўйи Чирчиқ туманида яшовчи Акмал Бўтаев (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2018 йили Жиззах вилоятига пахта теримида ҳашарга бориб, Зафаробод туманидаги савдо дўконига сотувчи бўлиб ишловчи Зарифа исми қиз билан танишиб қолганди. Тез орада улар ўртасида илқ муносабат пайдо бўлиб, бир-бирига кўнгли қўйишди. Шундан сўнг ошиқлар тез-тез учрашиб туришди.

Шу йилнинг 8 март кунни Акмал Зарифани байрам билан табриклашга келади. Дўконда суҳбатлашиш чоғида Акмалнинг кўзи раслар тағида турган қутидида катта миқдордаги пулга тушади. Уйига қайтиб боргач, пулни ўғирлаб кетиш режасини тузади. Орадан икки кун ўтгач,

қариндоши Алишер Иброҳимов билан Зафаробод туманига келиб, ярим тунда дўконга кириб, 44 миллион 450 минг сўм ва 900 АҚШ долларини ўғирлаб кетишади.

Улар «излар ёпилди, ҳеч ким билмади», деб бекорга хомтама бўлишган эди. Аммо ички ишлар идораси

## Сўнги пушаймон

ходимларининг тезкор қидирув ҳаракатлари туфайли жиноят фож этилди ва ўғирлар қўли олинди. Тергов чоғида Акмал ўғирланган пуллари жабрланувчига тўлиқ қайтариб, қилмишдан пушаймонлигини билдирди. Бироқ муҳаббатини пулга алмаштирган ошиқни Зарифа кечирмади. Суд ҳукми билан ўғирларга қонуний жазо тайинланди.

Акмал севгисига содиқ қолиб, жиноятга қўл урмаганда ёшлар бахтли бўлишармики? Бу саволга жавоб бериш энди мушкул. Чунки нафс балоси покиза туғиларни яқсон қилди. Бу бошқалар учун сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас.

**Азамат АБДУРАСУЛОВ,**  
Зафаробод тумани  
ИИБ катта терговчиси

Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз! Шавкат Мирзиёев



# Чўкаётган зиё кемалари

Шажасий фикр талон-тарожликка имкон яратди ва нашриётлар ҳар тарафлама таназзулга юз тутди. «Ўзбекистон» НМИУ асосан ижтимоий-сиёсий асарлар, жумладан, бадиий адабиётлар, «Уқитувчи» НМИУ эса умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртлири учун дарсликлар, илмий рисолалар, Фафур Фулом номидаги НМИУ адабий асарлар ва санъатга оид рисолаларни нашр этиб келмоқда.

Мазкур зиё мактабларида элимизнинг машҳур ва таниқли ижодкорлари, мутахассислари меҳнат қилишганки, улар ўз тарихи, таъриба ҳамда муҳаррирлик мактабларига эга. Айни пайтда эса уларни бой бериш хавфи пайдо бўлмоқда. Масалан, Фафур Фулом номидаги НМИУни олайлик: у 1956 йили ташкил этилган бўлиб, бу ерда мумтоз ва замонавий адабиётимиз, чет эл ёзувчилари ҳамда ёшларнинг энг сара асарлари нашр қилинган.

нинг ўзи ҳақида мукамал ва ишончли маълумот берувчи «паспорти»-ку?! Қолаверса, бунга китоблар йил сайин янгилашиб, тўлдирилиб борилиши, яъни мунтазам ишловчи механизм керак. Энди бу билан ким шуғулланади? Бу борада рост гапни фақат ҳалол олим ва давлат тасарруфидоги нашриёт айтиши мумкин.

қил топгандан буён унинг саҳифаларида дунё халқлари ёзувчи ва шоирларининг кўплаб асарлари босилди. Энди уларнинг сараларини китоб ҳолида тартибли тарзда чоп этиш шарт ва бу миллатимизни маънавий жиҳатдан бойитишидир. Бунинг учун ким қилади? ХХ аср ўзбек адабиёти дурдоналарини саралаб, китоб ҳолига келтириш вақти аллақачон етган. Бу масъулиятли ишни ким бажаради? Иқтидорли ёшларнинг китобларини тизимли тарзда, элга манзур даражада ким нашр этиши мумкин, яъни бу иш кимга керак? Албатта, Ўзбекистон учун! Хўш, уни ким амалга оширади? Бундай саволлар жуда кўп.

Мамлакатимизда ноширлик соҳасида кўплаб муаммолар туғлиниб қолган бўлиб, уларни ҳал этиш учун қатъий чора-тадбирлар кўриш лозим. Биргина мисол – мустақилликка эришганимиздан кейин нашриётларни давлат тасарруфидан чиқариш жараёни бошланди. Лекин ҳисоб-китобга келганда улар на давлатники, на хусусий эди. Бу эса кимлар учундир

Энди соҳанинг хусусий сектори ҳақида ҳам гаплашсак, бир неча кўзга кўриниб қолган хусусий нашриётлар мавжуд. Лекин уларнинг иқтисодий аҳоли яхши эмас, «карантин» даврида «белларидан» янада қувват кетди. Қолаверса, асосан, «бозорбоп» олд-қонди китоблар, пуллик буюртмалар, буклетлар, турли ёрликларни босиб чиқариб, тирикчилик қилишмоқда. Баъзилар эса «қатъий буюртма»ларни кўтиб ўтиришади. Елғон бўлмагани, гоҳи «жиддий» китобларга ҳам йўл беришади, аммо «сотилармикан?» деган ҳадиқ уларни ҳаммиша тарқ этмайди. Айримларнинг босма-хонаси ҳам йўқ. Энг ачинарлиси, бирортаси таърибали муҳаррирлар жамоасига эга эмас. Шунинг учун ҳам чиқарган китобларида имловий хатолар қалашиб ётади, чунки жиддий таърир қила оладиган муҳаррир ва саводхон мустақилликка кам. Энг ёмони, арзон тушиши учун китобларни сифатсиз қоғозга босишади. Ишчи-ходимларга ўз вақтида маош бериш ва муаллифларнинг қалам ҳақлари ҳақида эса гапириш ортиқча.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти ҳам инқирозга юз тутди. Бизнингча, бу ҳам жиддий хато бўлди. Чунки ўзини ҳурмат қилган ҳар бир мамлакатда миллий энциклопедияни тайёрлаб, нашр этувчи олимлар гуруҳи ва нашриёт мавжуд. Ахир, энциклопедия халқ ва давлатнинг ўзи ҳақида мукамал ва ишончли маълумот берувчи «паспорти»-ку?! Қолаверса, бунга китоблар йил сайин янгилашиб, тўлдирилиб борилиши, яъни мунтазам ишловчи механизм керак. Энди бу билан ким шуғулланади? Бу борада рост гапни фақат ҳалол олим ва давлат тасарруфидоги нашриёт айтиши мумкин.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётида айнан қомусий асарлар таъририга ихтисослашган профессионал муҳаррирлар фаолият кўрсатар эди. Нашриёт ёпилди-ю, муҳаррирлар ёққа тарқаб кетди. Қолбуки, қомусий асарларнинг яратилган тартиб-қоидалари, мезонлари бор. Мазкур усуллар бирор жойда ўқитилмайди – улар устоз-шоғирлик аниқлаштирилган тартиб-қоидалари, мезонлари бор. Мазкур усуллар бирор жойда ўқитилмайди – улар устоз-шоғирлик аниқлаштирилган тартиб-қоидалари, мезонлари бор. Мазкур усуллар бирор жойда ўқитилмайди – улар устоз-шоғирлик аниқлаштирилган тартиб-қоидалари, мезонлари бор.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти ҳам инқирозга юз тутди. Бизнингча, бу ҳам жиддий хато бўлди. Чунки ўзини ҳурмат қилган ҳар бир мамлакатда миллий энциклопедияни тайёрлаб, нашр этувчи олимлар гуруҳи ва нашриёт мавжуд. Ахир, энциклопедия халқ ва давлатнинг ўзи ҳақида мукамал ва ишончли маълумот берувчи «паспорти»-ку?! Қолаверса, бунга китоблар йил сайин янгилашиб, тўлдирилиб борилиши, яъни мунтазам ишловчи механизм керак. Энди бу билан ким шуғулланади? Бу борада рост гапни фақат ҳалол олим ва давлат тасарруфидоги нашриёт айтиши мумкин.



Бу билан хусусий нашриётларни камситмоқчи ҳам, танқид қилмоқчи ҳам эмасмиз, фақат ўзаро нисбатни таққосламоқчимиз, холос. Йирик нашриётлар

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти ҳам инқирозга юз тутди. Бизнингча, бу ҳам жиддий хато бўлди. Чунки ўзини ҳурмат қилган ҳар бир мамлакатда миллий энциклопедияни тайёрлаб, нашр этувчи олимлар гуруҳи ва нашриёт мавжуд. Ахир, энциклопедия халқ ва давлатнинг ўзи ҳақида мукамал ва ишончли маълумот берувчи «паспорти»-ку?! Қолаверса, бунга китоблар йил сайин янгилашиб, тўлдирилиб борилиши, яъни мунтазам ишловчи механизм керак. Энди бу билан ким шуғулланади? Бу борада рост гапни фақат ҳалол олим ва давлат тасарруфидоги нашриёт айтиши мумкин.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти ҳам инқирозга юз тутди. Бизнингча, бу ҳам жиддий хато бўлди. Чунки ўзини ҳурмат қилган ҳар бир мамлакатда миллий энциклопедияни тайёрлаб, нашр этувчи олимлар гуруҳи ва нашриёт мавжуд. Ахир, энциклопедия халқ ва давлатнинг ўзи ҳақида мукамал ва ишончли маълумот берувчи «паспорти»-ку?! Қолаверса, бунга китоблар йил сайин янгилашиб, тўлдирилиб борилиши, яъни мунтазам ишловчи механизм керак. Энди бу билан ким шуғулланади? Бу борада рост гапни фақат ҳалол олим ва давлат тасарруфидоги нашриёт айтиши мумкин.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти ҳам инқирозга юз тутди. Бизнингча, бу ҳам жиддий хато бўлди. Чунки ўзини ҳурмат қилган ҳар бир мамлакатда миллий энциклопедияни тайёрлаб, нашр этувчи олимлар гуруҳи ва нашриёт мавжуд. Ахир, энциклопедия халқ ва давлатнинг ўзи ҳақида мукамал ва ишончли маълумот берувчи «паспорти»-ку?! Қолаверса, бунга китоблар йил сайин янгилашиб, тўлдирилиб борилиши, яъни мунтазам ишловчи механизм керак. Энди бу билан ким шуғулланади? Бу борада рост гапни фақат ҳалол олим ва давлат тасарруфидоги нашриёт айтиши мумкин.

**ТАХРИРИЯТДАН: мазкур мавзу анчайин баҳсталаб ва долзарб. Албатта, муаллифнинг фикрлари жараёнга дахлдор мутасаддиларда ҳам ўзига хос фикр уйғотиши табиий. Шу боис, ноширлар, соҳа мутахассислари ҳамда мутасаддиларнинг мавзу бўйича фикрлари, мулоҳазалари учун таъририят газета саҳифаларидан жой ажратилган тайёр. Газета – минбар. Ҳақиқат эса баҳсларда ойдинлашади.**



Наби ЖАЛОЛДИН, ёзувчи

**Митти ҳикоялар**  
**ОПА-СИНГИЛ**  
Опа-сингиллар иноқ. Улар қарз ва қарздорлик нималигини билмайди.  
...Улар ҳозирча ота уйида.  
**ҚҮЛЁЗМА**  
Янги ҳикоялар ёзди.  
Қўл ёзмадини ўқишга икки киши чидади.  
Биринчиси – муҳаррир – пул эвазига, иккинчиси – хотиним – мажбурликдан.  
**БУЗҒУНЧИ**  
Қабрдон дўст ёди.  
Кейин танишларга, ёнғира бегоналарга айланди.  
...Бойлик тўғайди.  
Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ

**УЗУКНИНГ ҒАЛВИРДАН ФАРҚИ**  
ёхуд умумтаълим мактабларида «Мантиқ» фанини жорий этиш зарурати бор

Барча даврларда давлат ва жамият тараққиёти учун таълим-тарбия масаласи доимо долзарб аҳамият касб этган. Бугунги мураккаб глобаллашув ва ахборот асрида эса унинг аҳамияти чандон ортгани ҳам айни ҳақиқат.

Айниқса, жамиятимизда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни кучайтириш, ёшларимизни турли зарарли ва ёт хуружлардан, ахборот таҳдидларидан асраш, уларни ўз мустақил фикрига эга, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан жорий ўқув йилидан бошлаб биринчи марта умумтаълим мактабларида «Тарбия» фани жорий этилмоқда.

Албатта, тарбия ва таълимнинг уйғунлиги бугунги кунда жуда долзарб. Ҳозирги вақтда амалда бўлган таълим стандартлари ва ўқув дастурлари ўқувчини асосан таълимнинг навбатдаги босқичига тайёрлашга йўналтирилган. Бунда ўқувчиларни эркин фикрлаш ва мустақил ҳаётга тайёр-

лаш масаласи эътибордан четда қолмоқда. Бу ҳолат бизга Жалолиддин Румийнинг машҳур ҳикоятини эслатади:

«Ривоят қиладиларки, бир подшоҳ ўғлини хунармандлар тўлига қўшиб қўйди. Улар болага турли билимлардан, жумладан, илм-у нуҳумдан дарс беришибди. Шоҳ ўғли бутунлай оми бўлгани ҳолда ўзига ўргатилган нарсаларни яхши эгаллаб олди.

Кунлардан бир кун подшоҳ уни имтиҳон қилмоқ учун ҳовучига узугини беркитиб, ўғлига «Бунда не бор?» дебди. Бола «Қўлингданги думалоқ, сарки ва ичи бўш нарсасидир» дегач, ҳукмдор ҳайратда қолиб, «Аломатларини тўғри айтдинг, отини айт» деб буюрибди.

Ули «Ғалвир бўлса керак» деб жавоб берибди.

Подшоҳ «Олган таҳсилнинг шарофати билан мени ҳайрон этиб, аломатларни аниқ айтдинг-у, лекин ғалвирнинг ҳовучга сиғмаслигига қандай қилиб фаросатинг етмади?» дебди ғазабноқ.

Ҳар қандай ҳунар ва касб-кор охир-оқибат кучли билим ва дунёқараш билан бойитилсагина инсонга зеб бўлади. Шу боис, умумтаълим мактабларида «Мантиқ» фани жорий этилишини тақдир қиламиз. Чунки бу фан барча фанлар билан узвий боғланган бўлиб, ўқувчиларнинг ижодий иқтидорини намоян элишига хизмат қилади.

Мантиқ илмининг алоҳида фан сифатида шаклланиши Арасту номи билан боғлиқ бўлиб, у мантиқни маълум билимлардан номалум билимларни аниқловчи, чин фикрни хато фикрдан ажратувчи фан сифатида таърифлаган. Мантиқнинг вазифаси чин фикрни, ҳақиқатни аниқлаш, унга эришиш йўлларини ўрганишидир. Муҳокама юриштида ишончли натижаларга эришиш учун аввало фикр чин бўлиши, уни ўз ўрнида тушунтира олиш лозим. Бинобарин, Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби бир қатор

бунок мутафаккирлар мантиқ илми ривожига катта ҳисса қўшган. Ибн Сино мантиқни барча илмларнинг муқаддими, уларни эгаллашнинг зарур шартли сифатида талқин этган.

Мантиқ ўқувчига тўғри тафаккур юритишни, дунёда яшашнинг асл мағзи – фидойилик, садоқат ва Ватанга чексиз ҳурматни ўргатади. Уни ўрганган инсон ҳаётда йўлини йўқотмайди, борар манзили ва қилар амалининг асл мақсадини доим англаб туради. Ёшлар атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдира оладиган, мутасар айтганда, мустақил фикрига эга шахс бўлиб шаклланади. Бундай инсонлар камолга етгач, жамиятда ўз ўрнини топиб, мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишга муносиб ҳисса қўшади.

**Алимардон РАҲМАТОВ,**  
«Миллий тикланиш» демократик партияси Қашқадар вилояти кенгаши дивони раҳбари

**Менда таклиф бор...**

**МУАССИС:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi  
2007 йил 1 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.  
ISSN 2010-1002  
«Ishonch-Доверие» газеталари таърир хайъати:  
Кудратилла РАФИҚОВ (таърир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМОНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темура МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича), Мехриддин ШУКУРОВ, (Масъул катиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул катиб – «Ishonch-Доверие»), Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ  
Бўлимлар:  
Касаба уюшмалари хайъти – (71) 256-64-69  
Хўқуқ ва халқроқ хайъти – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73  
www.ishonch.uz  
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.  
Хўдудлардаги муҳбирлар:  
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
Андишон вилояти – (+998-99) 889-90-23  
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31  
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34  
Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-02  
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28  
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44  
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-90-01  
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27  
«Ishonch»да олинган маълумотларда манба сифатида газетага номини кўрсатилиши шарт.  
Муаллифлар фикри таърирнинг нуқтани назаридан фарқлангани мумкин.  
Навбатчи муҳаррирлар:  
Х. Норбоев,  
С.Абдурахмонов  
Мусаҳҳиҳ:  
А.Абдулфайзов  
Саҳифаловчи:  
Ҳ. Абдуҷалилов  
Босишга топшириш вақти – 22:20  
Топширилди – 00:20  
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 4 босма табоқ.  
Буюртма Ғ – 1017.  
27830 нускада босилди.  
Нашр кўрсаткичи: 133  
1 2 3 4 5  
Баҳоси келишилган нарҳда  
Манзилими:  
100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz  
Газета хайъатининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Ishonch» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Таъририят ҳисобрақами:  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «protoka bank»  
Яшнобод филиали,  
Банк коди: 00959;  
СТИР: 201133889,  
ОКЭД: 58130